

Тарихни урганиш-хаётни урганиш демакдир

Қорақалпоқстон Республикаси
К.Убойдуллаев номидаги
ПКҚТМОИ институтининг «Ижтимоий
фанлар ва маънавият асослари»
кафедрасининг ката ўқитувчиси
Т.Узақбергенова

Мустақиллик туфайли республикаимиз ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва сиёсий ҳаётида жуда ката туб ўзгаришлар рой берди. Ўзбекистон истиқлол даврида халқимизнинг маънавий уйғониши учун тўла имкониятлар яратди. Юртимиз тарихи, қадимги маданиятимиз тикланмоқда. Шунини таъкидлаш жойизки, тарихий тафаккурнинг барқомол авлод тарбиясидаги ўрни масаласини чуқур таҳлил қилиш учун биринчи галда тарихий жараёнлар таҳлиliga иурожаат қилишимиз керак. Юртбошимиз «...Ўз тарихини билган, ундан рухий қувват олган халқни енгиб болмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни анна шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур...»лигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Дар ҳақиқат тарихий тафаккурнинг барқомол авлод тарбиясидаги ўрни масаласи нафақат бугин, балки энг қадимики даврлардан ҳозирги кунгача бўлган даврда ҳам долзарбдир. Ушбу даврдан то ҳозиргача ҳам ушбу масала жамият ривожига муҳим оимл сифатида саналиб келмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жойизки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги тарихий тафаккурнинг барқомол авлод тарбиясидаги ўрни масаласига ҳолисона баҳо бериш имконияти пайдо бўлди.

"Маънавиятини тиклаши, тугилиб усган юртида узини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кутариб юриши учун инсонга, албатта тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон. Ким булишидан катъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси уз утмишини яхши билса, бундай инсонларни йулдан уриш, ҳар хил акидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоклари инсонни хушёрликка ургатади, иродасини мустаҳкамлайди". Республикаимиз президенти Ислам Каримовнинг каламига мансуб ушбу сузлар комил инсонни тарбиялашда Ўзбекистон тарихини ҳолисона ва ҳаққоний урганиш нақадар муҳим эканлигининг далилидир. Ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда Ўзбекистон тарихининг урни каттадир. Комил инсон тушунчасига Юртбошимиз яна шундай таъ-риф берадилар:"Комил инсон деганда биз аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳулк-атвори билан узгалирга ибрат буладиган билим-ли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-кочди гап-лар билан алдаб булмайди, у ҳар бир нарсани ақл-мантик тарозисига солиб куради, уз фикр-уйини, ҳулосасини мантик асосида курган киши етук одам булади". Бугунги кунда халқнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги ишлар давлатнинг олдида турган муҳим вазифаларидан бири булиб келмоқда. Маънавият, маънавий барқамоллик шундайгина киши руҳига кириб келмайди. Унга ҳар куни ва ҳар соатда тин-май сабр-бардош билан меҳнат қилиш орқали етишиш мумкин. Бу хайрли ишда Ўзбекистон тарихини урганишнинг урни бекиёсдир.

Республикаимизнинг тараққиёт ва ўзгаришларга бой даврида ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши ҳозирги куннинг талаб ва эҳтиёжидир. Мактабларимиз маънавий етук, жисмонан бақувват, билимли, ўз ватани билан фахрлана оладиган авлодни тарбиялаш керак. Бунинг учун эса, таълим ва тарбия жараёни замонавий педагогик технологиялар асосида ўтказилмоқда. Педагогик технологиянинг асосий жараёни ўқув-тарбия машғулотлари ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги педагогик мулоқот кўринишида амалга ошади. Бу мулоқот давомида уларнинг ҳар бири маълум фаолият турларини амалга оширадилар. Уларнинг ушбу фаолиятлари бевосита педагогик технологиянинг асосий жараёнини ҳосил қилади. Педагогик технологиянинг асосий жараёни ўқитувчи

учун сўзлаш, кўрсатиш, топшириқлар бериш, назорат қилиш (фасилитатор, модераторлик қилиш) орқали мустақил билим олиш ва фикрлашга ўргатишдан, ўқувчи учун эса диққатни жамлаган ҳолда тинглаш, кузатиш, топшириқларни бажариш (тушуниш, ўзлаштириш) орқали мустақил билим олиш ва фикрлашга ўрганишдан иборат. Педагогик технологиянинг тўғри тузилганлиги дарснинг самарали ўтказилишига асос бўлади.

Замонавий мактабда илғор педагогик тартиблардан фойдаланиш ўқитувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро асосида дарс самарадорлигини оширишга имкон беради. Ўқувчида мустақил фикрлаш кўникмаси ортади, қўйилган мақсадга мустақил жавоб топишга ҳаракат қилади. Шунинг учун илғор педагогик тажрибалардан фойдаланиб, уларни замонавий мактабларда оммалаштириш мақсадга мувофиқ. Бугинги кунда дарсларимизда таълим ва тарбиянинг бирга олиб борилиши ўқувчиларга ҳаётий кўникмаларнинг берилиши замонавий ўқитувчиларга қўйилаётган талабларнинг бири ҳисобланади. Биз миллий педагогикамиз қаторида жаҳон тажирибаларидан ҳам фойдаланмоқтамиз. Шу ўринда айтишимиз керакки Ўзбекистонда “Дустона муносабатдаги мактаб – БДММ” дастурини жорий этилиб бошланди. Ўзбекистон республикаси ҳукумати ва ЮНИСЕФ ўртасидаги 2005-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлиги тўғрисидаги келишувга асосан бошланган. Бунгача мамлакатда “Дунё миқёсида таълим” (Глобал таълим) лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар халқаро экспертлар томонидан муваффақиятли қайд этилиб интеграция қилиш тавсия этилган. БДММ дастури “Таълим барча учун” деб номланувчи бутун дунё декларацияси, Болалар ҳуқуқи конвенцияси – БХК ва Ўзбекистон Республикасининг “Болалар ҳуқуқи кафолатлари”, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қонунлари ҳамда Мактаб таълимини 2004-2009 йилларда ривожлантириш умуммиллий дастурига таяниб иш олиб боради. 2009 йили БДММ концепциясини амалга оширилиш жараёни халқаро экспертлар томонидан таҳлил қилиниб унинг натижаларини республиканинг барча ҳудудларига жорий этиш ва бунга барча малака ошириш институтлари ва мамлакатнинг педагогик олий таълим муассасаларини жалб этишга тавсия берилди. Маълумки, педагогик технологиялар асосида яратилган ҳар бир самарали дарс таълимнинг ривожлантирувчи тамойилларига асосланган бўлиб, у ўқувчи шахсига йўналтирилгандир. Ўқувчини шахс сифатида ривожлантиришда, мустақил фикрлашга ўргатишда, ҳаётий кўникмаларини ривожлантиришда, бирдамлилиқ ва ҳамжиҳатлилик кучини ҳис қилдиришда, синфда дўстона муносабатни шакллантириб бориш мақсадида интерфаол усуллардан фойдаланиш зарур. БДММ концепцияси ва ғояларини амалиётга, болалар ва ўсмирларни ўқитишда татбиқ қилиш учун, ушбу дастур доирасида Бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим методлари ва ёндошувлари қўлланади.

Бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим – бу тез ўзгарувчан, кўп маданиятли, ўзаро боғлиқ дунёда яшашга тайёрлайдиган таълим. Бунда ҳар бир шахсга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ҳам интеллектуал, ҳам эмоционал, ҳам жисмонан, ҳам ахлоқан ва маънан ривожлантиришга ҳаракат қилинади. Сизнинг назарингизга ушбу дастур асосида ёзилган дарс ишланмасини тақдим этамиз.

Фан: Тарих

Синф: 8

Мавзу: Аштархонийлар давлатининг ташкил топиши. (II – чорак, 12-дарс.)

Дарс номи: Жоши авлоди

Мақсади:

- Аштархонийларнинг ҳокият тепасига келиши. Ўз-ара ички урушлар. Сухонхонқулихон ҳукимдорлиги. Давлатни бошқариш учун кураш.
- Ўқувчилар ички зиддиятлар давлатнинг ички келишмовчиликларига сабабчи эканлигини тушинади, тинич ва тотувликни тарихта ва бугинги кунда ҳам сақлаш зарур эканлигини тушинади оладилар
- Ўқувчиларда ўз фикрларин асослаб бериш, таҳлил қилиш, бирга ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Дарс жихози. Ҳар бир гуруҳга А4 қоғози ва қуйдаги тарқатма материаллар берилади.
Маркерлар.

Жанибек	Боқимухаммедхон	Имамқулихон
Нодир Мухаммед	субхонқулихон	Ялантушбий

Дарс жараёни:

Ташкилий қисм 2 дақиқа

1. Ўқитувчи дарснинг мақсад ва вазифасини эълон қилади.

Ўтилган мавзуларни эслagan ҳолда савол жабоб тариқасида Аштархонийларнинг ҳокимият тепасига келиши ҳақида маълумот беради. (8 дақиқа)

2. Ўқувчилар Аштархонийлар авлодларини эсга тушириб, гуллаб яшнаган даврин ва ўнинг қулашига нима сабаблар бўлганлиги ҳақида билиб олганларин дафтарларига якка ҳолда ёзадилар (3 дақиқа).

3. Ўқувчилар жупликларга биригади ва ёзган маълумотларини бир-бирига гапириб беради. (2 дақиқа)

4. Эшитган маълумотларини дафтарларга ёзади. (3 дақиқа)

5. Ёзган маълумотларини, салиштириб кўради. (2 дақиқа)

Ўқитувчи, ўқувчилар сонига қараб синифни 6 гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳга юқарида номлари келтирилган шахслар исмлари тарқатип чиқилади. Топширик гуруҳлар ушбу шахсларнинг Аштархонийлар даврида қандай ўрин эгаллаганин ва қандай ишлар амалга оширганлиги ҳақидаги 4-5 фикрларин А4 қағозга ёзади (5 дақиқа)

6. Тақдимот (13 дақиқа).

Мукаҳама: (7 дақиқа)

- Бугинги машқулот сизга ётими нимаси билан ?
- Бухора мамлакатда қайси авлод кўпиноқ ҳукимронлик қилган ва нима учун?
- Имамқулихонга давлаттаги турақлилиқни сақлаб қолишга нима ёрдам берган деб ўйлайсиз ?
- Аштархонийлар авлоди ҳокимият тепасида узок вақт турдими ? (Ҳа, ёқ, нима учун)
- Нима учун биз жаҳон ва мамлакатимиздаги асосий тарихий, бугунги кунги вақиёларни билишимиз катта аҳамиятга эга ?
- Сиз тинчликни сақлаш учун нима қила оласиз ?

Изоҳ: Авлод-династия тушини ўтилган мавзулардан билади (Темурийлар, Қароханийлар, шайбонийлар). Бу мавзуда ўқувчилар мамлакаттаги ички зиддиятлар марказий ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлишини тушиниши аҳамиятли. Ўқувчилар дарсликлардаги маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

Тулиқтириш: Ўқувчилар ўйда ота-оналари билан бирга Ўзбекистонда ёки бако давлатлар мисолида барқорарлик ва тинчлик сабабларин муҳакама қилишлари мумкин.

Боҳалаш: Ўқитувчи дарс давомида ўқувчиларни рейтинг асосида баҳолаб боради.

Демак, интерфаол дарсларда гуруҳлар билан ишлаш ўқувчиларни қобилиятини аниқлашда, иқтидорини белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агарда биз мактабимизда ишлар самарадорлигига эришсак, келажакда ҳар томонлама «Баркамол авлодни етиштириш» деган гоининг бажарилишига эришган буламиз. Бунинг учун эса, биз бу келажак авлодимизни ҳар томонлама баркамол, онгли, билимли, маънавиятли, маданиятли бўлиб тарбияланишларида, вояга етишишларида уз меҳнатларимизни аямаслигимиз керак.